2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

1-2 (603-604)

2008 йил 9 январь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

▶ Ватан ҳимоясида сергак сержантлар

▶ Равон йўллар манзилимиз ойдин қилар...

3

▶ «Халқлар дўстлиги»да хушбичим гузар

▶ Асарларда муҳрланган тарих...

4

▶ Мўъжизани моҳир қўллар яратар...

▶ Ақл кучга бўйсунади(ми?)

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Юрт мудофаасининг таянч устунлари

сержантлар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бормоқда

Республикамиз Қуролли Кучлари бугун ўз қудрати билан халқимиз осойишталиги, мустақиллигимиз, тинчлигимиз барқарорлигини асрашга қодир метин қалқондир. Бугун ушбу соҳадаги ислоҳотлар самарасини ҳар қадамда ҳис қилиш мумкин. Сержантлик муҳим касбга айлангани, уларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликлар ҳам шулар сирасидан.

Шу ўринда Юртбошимизнинг ушбу сўзларини эслаш кифоя: "Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънода таянч устунига айланганки, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз лозим".

Ҳа, айни дамда Қуролли Кучларимизнинг асосий негизини ташкил этаётган сержантлар шахсий таркиби, сержантлар тайёрлаш мактабларининг фаолияти ва нуфузи хусусида ижобий фикрлар билдиришга ҳақлимиз.

Давоми 2-саҳифада

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа педагог ва мутахассисларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида:

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини 2008 йилнинг 1 апрелигача ишлаб чиқсин ва уни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

республикадаги мавжуд барча болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва уларнинг ҳолатини танқидий баҳолаш орқали бугунги кун талабларига қай даражада жавоб беришини аниқлаш;

ушбу мактабларни янгитдан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар томонлама асосланган хулоса ва таклифлар тайёрлаш;

ёш авлоднинг мусиқий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида аҳоли ва ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда, энг камида биттадан замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатишини кўзда тутиш;

янгитдан қуриладиган, тўлиқ реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган болалар мусиқа ва санъат мактаблари биноларининг уч хилдаги намунавий (типовой) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бу борада ҳудудлардаги мавжуд бўш бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, тегишли жиҳозлаш ишларини амалга ошириш мақсадида экспертиза хулосаларини тайёрлаш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларини замонавий ўқув ва мусиқа анжомлари билан таъминлашни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш;

умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа фани бўйича давлат ўқув стандартлари ва дастурларини, дарсликлар ва методик қўлланмаларни замонавий мезонлар асосида такомиллаштириш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, соҳа учун ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш.

3. Ушбу Давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар давлат бюджети, ҳомийлар, чет эл грантлари ва бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

4. Мусиқа ва санъат мактабларида олиб бориладиган қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини молиялаштириш вазифаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси зиммасига юклатилсин ва шу мақсадда мазкур Жамғарма низомига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали мутахассислар билан таъминлаш учун 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан тақдим этилган таклифларга биноан, олий таълим муассасаларига мусиқа йўналишлари бўйича қабул квоталарини қайта кўриб чиқсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 7 январь

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Юксак давлат лавозими — Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Украина-Ўзбекистон муносабатлари бундан буён ҳам самарали ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади, эришилган келишувларнинг амалга оширилиши эса Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари мазмунини янада бойитишга хизмат қилади.

Янги — 2008 йилда Сизга, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, чин дилдан мустаҳкам соғлик, тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва дўст ўзбек халқи фаровонлиги йўлида янгидан-янги зафарлар тилайман.

Эҳтиром ила,

Виктор ЮШЧЕНКО,
Украина Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига муваффақиятлар, биродар ўзбек халқига давомий равнақ ва тараққиёт тилайман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Халифа бин Зоид Ол НАҲАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан бениҳоят бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, биродар ўзбек халқига давомий равнақ ва тараққиёт тилайман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ,
Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти,
Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими.

Давоми 2-саҳифада

2008 йил — Ёшлар йили

ИСТЕЪДОД СОҲИБАЛАРИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар ўртасидаги кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу ижодий беллашувда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида ғолиб чиққан етмиш нафар иқтидорли қиз иштирок этди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти аъло ўқиши, жамоат ишларида фаол иштироки, ватанпарварлик, фидойилик, юрт тақдири учун дахлдорлик каби фазилатлари билан барчага ибрат бўлаётган иқтидорли қизларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ватанимизнинг ана шу нуфузли мукофотига сазовор бўлган қизлар фан, таълим, адабиёт, маданият, маънавият ва маърифат соҳаларида самарали меҳнат қилиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бу йилги танловнинг барча босқичларида ўтган йиллардагидан анча кўп — беш ярим минг нафардан зиёд қиз иштирок этди. Даъвогарлар фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат йўналишларида ўз маҳоратини намойиш этиши баробарида миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, юртимиз тарихига оид билими, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурини ҳам синовдан ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР — ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПИШИНИНГ КАФОЛАТИ

Санъатга, мусиқага эътибор — гўзалликни, нафосатни, эзгуликни улуғлаш, демакдир. Ёшларимизнинг мусиқий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида яқин келажакда мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида камида биттадан замонавий мусиқа ва санъат мактаби фаолият кўрсатишини таъминлашимиз керак.

Бу фикрларни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2007 йилнинг 29 ноябрида Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида айтган эди. Мана, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, 2008 йилнинг 7 январида Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши эълон қилинди.

Фармойиш муқаддимасида қайд этилганидек, бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат. Айни шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа педагог ва мутахассисларининг меҳнатини рағбатлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2008 йилни "Ёшлар йили" деб эълон қилиш асосида таъкидлаганидек, бу борада 15 йилга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ёшларимизнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий оламини бойитиш, санъат ва гўзалликка интилишини кучайтиришга хизмат қилади.

Бугун озод ва обод диёримиз ёшларининг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Болаларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс, замонавий инсонлар этиб тарбиялаш учун уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, шу жумладан, мусиқий дидини — мусиқа яратиш, ижро этиш ва тинглаш маданиятини тарбиялашимиз, санъат дунёсига ошно этишимиз зарур эканини яхши англаймиз.

Мамлакатимиз раҳбарининг бу борадаги янги ташаббуси юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, рўёбга чиқариш ва тарбиялашдек муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки давлат ва жамиятнинг бурчи сифатида ўртага қўяётганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Зеро, халқимиз истеъдодли, санъатсевар. Кишиларимизнинг мусиқий таъби, талаби ва тарбияси жуда нозик ва юксак. Санъатнинг башарият ҳаётидаги ўрнини, мусиқанинг инсон руҳиятига беқиёс таъсирини қалбдан ҳис этиш борасида ҳеч кимдан кам эмасмиз.

Мусиқа одамларимизнинг юрак туйғулари, руҳий кечинмалари билан чамбарчас пайванд бўлиб, ҳаётимизнинг ажралмас, узвий бир қисмига айланиб кетган ва бунинг замирида муайян асослар мужассам.

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Андижон вилояти

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда унинг шаҳар ва туманлардаги кенгашлари Ватан ҳимоячилари куни олдидан ўтказилаётган оммавий ватанпарварлик ойлиги тадбирларида фаол иштирок этмоқда.

САВАЙДА СПОРТ БАЙРАМИ

Шу ўринда кейинги йилларда ташкилотнинг моддий-техник базаси мустаҳланиб, ёшларнинг ҳарбий-амалий спорт турлари билан шуғулланишлари, автоулов бошқаришни ўрганишлари учун қулай имкониятлар яратилаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

— Ўтказилаётган тадбирларимиз режасини "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Нуроний" жамғармаси туман бўлимлари билан биргаликда ишлаб чиқдик, — дейди мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Қўрғонтепа тумани кенгаши раиси Алишер Мастохунов. — Ана шу режа асосида олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари талаба ва ўқувчиларига Республикамиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчи эканлиги тушунтирилиб, бугунги кунда ҳарбий хизмат даврида яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда имтиёзлар ҳақида маълумотлар берилди.

Ойлик доирасида қўрғонтепалик мактаб ўқувчилари ўртасида ҳаво милтиғидан ўқ отиш мусобақаси ўтказилди. 100 нафарга яқин қатнашчилар орасидан жамоа ва шахсий биринчилик ғолиблари аниқланиб, улар эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Бундан ташқари, Савай ўйингоҳида туман ҳокимлиги, халқ таълими ва мудофаа ишлари бўлими ташаббуси билан спорт байрами ташкил этилиб, унда кўпкураш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, арқон тортиш, ҳаво милтиғидан ўқ отиш бўйича мусобақалар уюштирилди. Шунингдек, жойларда анъанавий "Шунқорлар" ўйинининг дастлабки босқичи ҳам бўлиб ўтмоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Наманган вилояти

Юрт мудофаасининг таянч устунлари

сержантлар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бормоқда

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Акмалжон — Наманган ўғлони. У вилоятнинг сўлим гўшаси бўлмиш Чортоқ туманида вояга етган. 2001 йилда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг автомобилчилар тайёрлаш мактабида таҳсил олган йигит муддатли хизматни намунали тугатгач, ҳарбий касбга бўлган ҳурмати ва иштиёқи инобатга олиниб, 2002 йилда Сержантлар тайёрлаш мактабига юборилди. Назарий ва амалий билимлар кўникмаси Акмалжоннинг ёвқур сержантлар сафидан жой эгаллашига замин яратди. Шу тариқа йигитнинг ҳаёти Ватан ҳимоясига масъуллик даврига уланди. У ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга, намунали хизмат қилишга интилиб тургани боис қўмондонлик томонидан кўп бора рағбатлантирилди. "Энг илғор сержант" танловида 2005, 2006 йилларда ғолибликни қўлга киритган Акмалжон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг дипломини олишга муваффақ бўлган аълочи посбонлардан. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларидаги фаоллиги учун эса у "Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳа, Акмалжон Жумабоевнинг эришган ютуқлари ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Хўш, унинг ўзи танлаган касби ҳақида қандай фикрда?

— Ҳар бир йигит болалик чоғлариданоқ аскар бўлишни орзу қилади, — дейди намунали сержант суҳбат чоғида. — Чунки йигит киши учун ҳаёт мактабида тобланиш катта шараф. Ҳарбий хизматга умрини бахшида этиш, касб сифатида эъзозлаш эса барчага ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун мен танлаган касбимдан фахрланаман. Хизмат сирларини эгаллашимда катта таянч бўлган устозларим — катта лейтенант Рустам Валиев, шартнома бўйича хизмат сержанти Оқилжон Холмуродовлардан миннатдорман. Мақсадим касбимга садоқатли бўлиб, ҳаётда ўз ўрнимни мустаҳкам эгаллаш ва албатта, ота-онамга, юртимга муносиб фарзанд бўлишдир.

Зулфия ЮНУСОВА

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан ЮНЕСКО ва шахсан ўз номимдан Сизни чин қалбдан қутлаш ҳамда юксак ва масъулиятли фаолиятингизни давом эттиришингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий меросини сақлаш борасида Сизнинг саъй-ҳаракатларингизни юксак баҳолайман. Ишонаманки, Сизнинг тажрибангиз ва мададингиз туфайли Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида қарор топган самарали ҳамкорлик Ташкилотнинг қадриятлари ва уставор вазифалари муваффақиятли оммалашиб боришига, шунингдек, Ўзбекистонда таълим, илм-фан ва маданият соҳалари янада барқарор ривожланишига ёрдам беради.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Коичиро МАЦУУРА,
ЮНЕСКО Бош директори.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни муборакбод этиш ҳамда ушбу юксак лавозимдаги катта масъулиятли вазифани адо этишда улкан муваффақиятлар тилаш мақсадида Сизга табрикнома йўлламоқдаман.

Ижозат берсангиз, Сизни ишонтириб айтаманки, НАТО "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастуримизда мустаҳкамланган қадриятларга асосланган ҳолда Ўзбекистон билан мулоқот ва ҳамкорликни давом эттириш ҳамда чуқурлаштиришга тайёрдир.

Самимият ила

Яап Де Хууп СХЕФФЕР,
НАТО Бош котиби.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларидаги ғалабангиз муносабати билан қизғин табрикларимни қабул қилгайсиз.

Мустақил ва гуллаб-яшнаётган давлат барпо этишда Сизга ва бутун ўзбек халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Шунга ишонч билдирмоқчиманки, Грузия билан Ўзбекистон ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурматга асосланган анъанавий ҳамда ўзаро манфаатли дўстона муносабатлар мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам ривожланиб ҳамда чуқурлашиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли давлат фаолиятингизда зафарлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва омонлик тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

Нино БУРДЖАНАДЗЕ,
Грузия Президенти вазифасини бажарувчи.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари, Сизни кириб келган Янги, 2008 йил ва президентлик сайловидаги ишончли ғалабангиз, мамлакат раҳбаридек сермашаққат ва масъулиятли лавозимингизга яна сайланганингиз муносабати билан самимий муборакбод этаман. Сизга чин қалбдан сиҳат-саломатлик ва халқингиз фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда юксак муваффақиятлар тилаб қоламан.

Исроилликлар халқингиз фаровонлигининг янада юксалишига ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори ошишига қаратилган ички ва ташқи сиёсатда танлаган йўлингиз юксак самаралар бераверишига қатъий ишонади. Сизнинг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни ҳамда ижтимоий ҳаётнинг иқтисодиёт, илм-фан ва маданият каби соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларингизда юксак муваффақиятлар тилаймиз.

Амнон КОЭН,
Кнессет депутати ва Вице-спикери,
Парламентлараро "Исроил-Ўзбекистон дўстлик лигаси" Раиси.

Тошкент шаҳри

Сен ёлғиз эмассан, БОЛАЖОН

Руслан ижро этган куй барчага манзур бўлди. У ўз мусиқалари орқали ҳаётга, инсонларга муҳаббатини ифода этар, йиғилганларни тақдирнинг бешафқат синовларига сабр-тоқат билан бардош беришга даъват этаётгандек таассурот қолдирарди.

Кўзи ожиз бўлиб дунёга келган Руслан бундан уч йил бурун бахтсиз ҳодиса туфайли икки оёғидан ҳам ажралди. Лекин ҳаётга бўлган муҳаббати, атрофдаги инсонларнинг меҳри туфайли тушкунликка тушмай, жамиятдан ажралиб қолмади. Ҳозирда у пойтахтдаги Ҳамза номли мусиқа билим юртининг 3-босқич талабаси. Бектемир туманидаги ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш (КРИДИ) марказида мусиқа тўгарагини очиб, болаларни санъатга ошно этишдек эзгу орзу билан яшайди. Руслан Шамсутдинов туманда ўтказиладиган хайрия тадбирлари ва турли байрам кечаларида фаол иштирок этиб, мусиқий чиқишлари билан кўнгилларни хушнуд этади.

Ногиронларни қўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўрниларини топишига кўмаклашиш юртдошларимизга хос умуминсоний фазилатлардан биридир. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган болаларнинг касб-ҳунар эгаллашига ёрдам бериш уларнинг келажаги, қолаверса, жамият учун жуда муҳим. Бунда ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш марказларининг ўрни беқиёс. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўнлаб ана шундай марказлар фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда Бектемир туманидаги ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш марказида мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг туман кенгаши ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан "Спорт — ёлғизликка қарши" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

— Мамлакатимизда оммавий ватанпарварлик ойлиги тадбирлари ўтказилмоқда, — дейди мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Бектемир тумани кенгаши бош мутахассиси Ўлмасхон Қодирова. — Бундан ташқари, Ватан ҳимоячилари кунига ҳам оз фурсат қолди. Шу муносабат билан ташкил этилган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ногирон болаларга улар ҳам жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини, эътибордан четда қолмаётганлигини англатишдир. Ташкилотимиз марказнинг доимий ҳомийларидан бири. Марказ билан ҳамкорликда ўтказиб турадиган тадбирларимиз болаларнинг маънавий дунёсини бойитишга, фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Марказда болалар учун бичиш-тикиш, бисер ва тўқиш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, гиламдўзлик ва рассомлик тўгараклари фаолият кўрсатади.

Тадбирда сўзга чиққан марказ раҳбари Лариса Россинская ташкилотчиларга миннатдорчилик билдириб, шундай деди:

— Ёшлар йилида марказ ишини жонлантириш ва фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз. Жорий йилда сартарошлик, кулинария тўгараклари фаолиятини ҳам йўлга қўймоқчимиз. Шу пайтгача бизда спорт ва ўғил болалар учун махсус тўгарак йўқ эди. Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти спортнинг техник тури бўлган ракета-модель, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлинмаси эса шахмат, шашка тўгаракларини очишга ёрдам берди.

Ногирон болалар томонидан тайёрланган буюмлар кўргазмаси қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўз навбатида тумандаги умумтаълим ҳамда спорт мактабларининг ўқувчилари тайёрлаб келган концерт дастури кўнгли ярим болажонлар ва уларнинг ота-оналари томонидан олқишлар билан кутиб олинди. Шунингдек, марказнинг С.Загриддинова, Ф.Мамасолиева, Н.Алиева, Г.Абдусатторова, А.Асилова ва бошқа фаол аъзолари махсус сертификатлар билан тақдирланди. Марказ аъзоларига мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Саховатпешаларданмиз

ҚОРАМОЛЛИ ХОНАДОНЛАР КЎПАЙДИ

Қорақалпоғистонда ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар ва туман бўлинмалари фаолияти мисолида бунга гувоҳ бўламиз. Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашда жамғармаларнинг 2 та шаҳар, 14 та туман бўлинмалари, 450 та маҳалла, овул фуқаролар йиғинлари самарали фаолият олиб боришди ва улар томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча хайрия тадбирлари уюштирилди.

— Тадбирларимизни шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳомий ташкилотлар, фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда ташкил этдик, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Тахтакўпир тумани бўлинмаси раиси Мақсет Мамбеткаримов. — Жумладан, янги йил байрами арафасида бўлинмамиз томонидан Тахтакўпир шаҳрида истиқомат қилувчи Қуанбай Генебоев ва Икметулла Раметовлар оиласига бир бошдан қорамол олиб берилди. Биз бундай хайрли ишларни жорий йилда ҳам давом эттиришни режалаштирганмиз.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Юртимиз чироғи

Самарқанд вилояти

Йўллар — элларни боғлар

Кейинги йилларда вилоятда кўплаб янги иншоотлар, йўллар, кўприклар барпо этилиб, ободонлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бунёдкорлик ишлари натижасида Самарқанд шаҳри бугунги кунга келиб бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Биргина ўтган 2006 йилнинг ўзида вилоятда йўл қурилиши ва таъмири учун жами 31,5 миллард сўм маблағ сарфланиб, 144,8 километр узунликдаги автомобиль йўлларининг қурилиши ҳам бунинг тасдиғидир.

Самарқанд шаҳридаги Ибн Сино ва Рудакий номли кўчаларни боғловчи Мароқанд номли ҳамда Шоҳизинда ёдгорлик мажмуаси ва Самарқанд—Тошкент автомобиль йўлини бир-бири билан боғловчи Шоҳизинда номли кўчалар бугун бутунлай янги қиёфа касб этиб, самарқанлик йўлсозларнинг юксак бунёдкорлик маҳорати ва машаққатли меҳнатидан далолат бериб турибди.

Ҳа, мамлакатимизда йўлсозлик соҳаси тараққий этиб, янги йўллар қурилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Самарқанд шаҳрида ҳам бу борада беқиёс ишлар амалга оширилябти. Хусусан, Самарқанд—Бухоро автомобиль йўлининг Қорадарё устидан ўтган қисмида жаҳон андозаларига мос иккинчи кўприк қисқа муддатда барпо этилди. Унинг қурилиши учун 2 миллиард 800 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Мазкур йўлнинг Каттақўрғон шаҳрини кесиб ўтган қисмида аҳоли зич жойлашгани боис анчагина муаммолар туғдирарди. Эндиликда шаҳар атрофидан 10 километр узунликдаги айланма йўл барпо этилиб, бундай муаммоларга чек қўйилди.

Шунингдек, халқаро аҳамиятга эга бўлган Самарқанд—Қарши автомобиль йўлининг қарийб 60 километр узунликдаги қисми бутунлай қайта таъмирланди. Бунда "Самарқанд туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш-фойдаланиш" корхонаси жамоасининг меҳнати алоҳида таҳсинга сазовор.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

2008 йил — Ёшлар йили

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР — ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПИШИНИНГ КАФОЛАТИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Бу, аввало, миллий мусиқа тарихимиз жуда олис замонларга бориб тақалиши билан боғлиқ. Биргина факт – ҳақли равишда дунё цивилизациясининг бешикларидан саналувчи Самарқанд шаҳри музейларидан бирида археологлар топган ғоят ноёб мусиқий асбоб – қарийб тўрт минг йиллик най сақланмоқда. Уни кўрган ҳар қандай инсон Шарқ мусиқаси тарихи нечоғли теран эканлигини ўйлаши, эътироф этиши шубҳасиз.

Мусиқа санъатимиз доимий ривожланишда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда санъатнинг ушбу тури янада равнақ топиши йўлида залворли қадамлар қўйилди — ҳашаматли санъат саройлари барпо этилди, нуфузли мусиқа билим юртлари очилди, турфа кўрик-танловлар, мукофотлар таъсис этилди. Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамларида улкан саҳналарда ҳар йили янгидан-янги номларни, дилтортар куй-қўшиқларни кашф этиш хайрли анъанага айланди.

Юртимизда маданият ва санъат, жумладан, мусиқа ранг-баранглигини таъминлаш доимий эътиборда. Зеро, ота-боболаримиз асрлар мобайнида миллий санъатимизни тараққий эттириш билан бир қаторда, жаҳон маданиятининг илғор намуналарини ижодий ўзлаштирган ва ривожлантирган. Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биносида бугунги кунда наинки юртимиз композиторлари, айни чоғда Бах ва Моцарт, Бетховен ва Шопен, Чайковский ва Шостакович каби мусиқа даҳолари яратган, дунёдаги барча миллатлар ва халқлар фахрланадиган нажиб куй ва оҳанглар мунтазам таралаётгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Мусиқа санъатини нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида кенг тарғиб этиш йўлида юртимиз санъат аҳлининг ҳиссаси катта. Санъаткорларимиз ҳар йили кўплаб мамлакатларда бўлиб, миллий мусиқамиз довруғини оламга ёймоқда, фестивалларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда.

Айниқса, 1997 йилдан буён мамлакатимизда ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали Шарқ маданиятининг гавҳару дурдоналари, инсониятнинг бебаҳо бойлиги бўлмиш ўлмас мусиқа асарларини бутун оламга танитишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Истиқлол йилларида, шунингдек, "Симфоник мусиқа", "Тошкент баҳори", "Шарқ ва Ғарб" каби халқаро мусиқа ва театр фестивалларида, тасвирий санъат асарлари кўргазмалари ҳамда кўрик-танловлар, машҳур ҳофизлар хотирасига бағишланган анжуманлар, турли чолғу ва рақс танловлари, мақом оқшомлари ўтказилиши анъанага айланди. "Ўзбекистон – Ватаним манim" қўшиқлар байрами, "Ниҳол" ва Зулфия мукофоти танловлари, "Янги авлод" ва "Келажак овози" кўрик-танловлари эса минг-минглаб ёш истеъдод эгаларини кашф этаётгани барчамизни қувонтиради.

Кейинги йилларда иқтидорли ёшларни излаб топиш борасида давлат идоралари, тегишли вазирликлар билан биргаликда муайян нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан бу соҳада амалга оширилаётган хайрли ишлар алоҳида таҳсинга лойиқ.

Ана шундай ҳамкорликдаги эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли ёш пианиночилар — Нодира Дадамуҳамедова, Эвелина Черномор, Тоҳиржон Асқаров, Беҳзод Абдурайимов, Ирина Гулзарова, Гўзал Тагиева, Фазлиддин Ҳусанов, ёш скрипкачилар — Даниил Ҳолиқов, Нодир Ҳошимов, Тоҳир Яхшибоев, хонандалар — Георгий Дмитриев, Жаброил Идрисов, Абдумалик Абдуқаюмов, Сержан Жанаҳмедов, Лилия Фатхулина каби кўплаб иқтидорли ёшларнинг истеъдоди юзага чиқиб, мамлакатимизда, жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, фармойишда таъкидланганидек, яқин келажакда мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида аҳоли ва ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда, энг камида биттадан замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсата бошлагач, юртимизнинг энг чекка шаҳар ва қишлоқларида ҳам ана шундай истеъдод соҳиблари бўлган умидли ёшларимизни кашф этиш, тарбиялаб вояга етказиш учун кенг имкониятлар эшиги очилади.

Ҳа, халқимиз ўзининг юксак мусиқий салоҳияти, мусиқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозонган. Мустақиллик йилларида замонавий ўзбек санъати дунё миқёсида янада улкан обрў ва эътибор топаётган экан, бунда иқтидорли ёшларнинг хизмати салмоқлидир. Истеъдодларнинг юксак парвозида ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда давлат сиёсатига айлангани муҳим аҳамият касб этади. Зеро, меҳр ва эътибор, парвариш бўлмаса, ўсиш-улғайиш, камолот ва тараққиёт бўлмайди.

Президентимиз иқтидорли ёшларни доимо қўллаб-қувватлаб, уларнинг ютуқларидан қувониб, муносиб тақдирлаб келади. Ислом Каримов ҳамиша уқтирганидек, истеъдодни рўёбга чиқариш учун шарт-шароит ва эътибор керак. Ўзбекистонда мусиқа, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида катта муваффақиятларга эришилгани тасодифий эмас. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган. Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асосидир.

Миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантиришга эътибор кучайди. Ўтган даврда маданият ва санъат ўқув юртлари қарийб 70 номдаги қимматбаҳо замонавий чет эл мусиқа чолғу асбоби ва овоз кучайтиргич ускуналари билан таъминланди. Ўзбекистон давлат консерваторияси янги биносида ноёб якка-новоз мусиқа чолғу асбоби — орган ўрнатилгани ва бу ерда махсус орган синфи ташкил этилгани шулар жумласидандир.

Айни вақтда уч юздан зиёд болалар мусиқа мактаби, махсус академик лицей, ўттиздан ортиқ санъат, мусиқа ҳамда маданият коллежларида миллий маданиятимиз ва санъатимиз равнақига хизмат қиладиган минглаб истеъдодларнинг камол топиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Президентимизнинг фармойишига мувофиқ, эндиликда махсус комиссия томонидан ана шу болалар мусиқа ва санъат мактабларидаги мавжуд моддий-техник база тўлиқ инвентаризациядан ўтказилиб, уларнинг ҳолати бугунги кун талабларига қай даражада жавоб бериши аниқланади. Шу асосда ушбу мактабларни янгитдан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича хулоса ва таклифлар тайёрланади.

Демак, ҳадемай юртимиз — шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тамомила ўзгартириб юборадиган замонавий умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари қаторида ўнлаб-юзлаб кўркам мусиқа ва санъат мактаблари қад ростлайди.

Энг муҳими, халқимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагимизни жаҳон ҳамжамиятининг узвий қисми сифатида барпо этишга азму қарор қилган. Бўлажак дастур эса ўзининг бутун мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан бундай юксак мақсадларга эришишнинг муҳим шарти – ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида навбатдаги залворли қадам бўлажак!

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси.

Йиғинда кимлар ишлайди?

ЭЛНИ ЭРГАШТИРГАН ОҚСОҚОЛ

унинг даъвати ва ташаббуси билан маҳалладошлар хайрли ишларга бош қўшишмоқда

Тошкент шаҳри

Халқимиз қадимдан адолат ва саховатни шиор тутган оқсоқолларни эъзозлайди, ҳурмат қилади. Турсунбой Абдураимов шундай фазилатга эга инсонлардан бири.

Турсунбой ака Наманган вилоятининг Короскон қишлоғида туғилиб ўсган. Москвадаги Халқлар Дўстлиги университетини тамомлагач, Тошкентда турли лавозимларда меҳнат қилди. 2006 йилда Янги Камолон аҳли уни маҳаллага оқсоқол этиб сайлашди.

— Оқсоқол ўз ортидан маҳалла аҳлини эргаштира олиши лозим, — дейди маҳалла фаолларидан бири, профессор Отахўжа Баҳодиров. — Турсунбой ака ана шундай фазилатга эга. У киши бошчилигида маҳалламизда кўплаб ишлар амалга оширилди. Оқсоқолимиз хайрли амалларни бажаришда ҳам бошқаларга ибрат кўрсатиб келмоқда. Биргина мисол: "Маҳалла" жамғармаси томонидан ўтказилган кўрик-танловда ғолиб бўлгани учун мукофот тариқасида берилган пулни ҳам маҳалла ҳисобига ўтказди.

Турсунбой ака ўзига билдирилган ишончни, халқ олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилади ва оқлашга интилади. Раҳбар сифатида жонқуяр, зарур пайтда қаттиққўл. Маҳалладошларининг қувончли кунида ҳам, бошига ташвиш тушганда ҳам ёнма-ён туради.

Янги камолонликларнинг тўй-маъракалари маҳалла гузарида тартибли ва ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказилади. Бунга оқсоқол ва тўй-маъракаларни ўтказиш комиссияси аъзоларининг саъй-ҳаракатлари орқали эришилди. Кези келганда айтиш ўринли, ҳар йил бошида маҳаллада турли масалалар бўйича комиссиялар ҳамда уларнинг йиллик иш режалари тузилади, йил мобайнида шу режалар асосида иш олиб борилади.

Оқсоқолнинг миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовор.

— Турли байрам ва муҳим саналар арафасида оммавий ҳашар уюштириб, ҳудудимизни ободонлаштирамиз, муҳтожлар ҳолидан хабар оламиз, — дейди Турсунбой ака. — Кўпнинг кучи — кўл деганларидек, ҳашар баҳона нафақат юмушлар бажарилади, балки инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланади. Қолаверса, бундай тадбирларга ёшларни ҳам жалб этиш улар тарбияси учун жуда муҳим.

Маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Хусусан, ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида элликта кам таъминланган оиланинг коммунал тўловлар бўйича қарзларини қоплаш учун 3,5 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Оқсоқол бошчилигида маҳаллада адабий-бадиий кечалар, турли мусобақа ва маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилади. "Сиёсий, ҳуқуқий ва диний саводхонлик", "Болалар тарбиясига ҳамиша масъулмиз", "Ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш", "Аждодларимиз билан фахрланамиз", "Одоб-ахлоқ — маънавият асоси", "Тошкент — ислом маданияти пойтахти", "Ислом — тинчлик, осойишталик, эзгулик дини" мавзусида ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир. Ўтган йили Дилбар Каримова "Маҳалланинг намунали қизи" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритди.

Турсунбой аканинг болалар спортини ривожлантириш, аҳолига сифатли маиший ва савдо хизмати кўрсатишни ташкил этиш, маҳалла моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги ютуқлари ҳам салмоқли.

Юртбошимиз "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" номли китобида раҳбар ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Турсунбой Абдураимов ўз меҳнатлари орқали шундай инсонлар қаторидан ўрин олган, десак янглишмаймиз.

Тўхтасин ҒАНИЕВ,
меҳнат фахрийси.

Марказдаги маҳалла

Маҳалламиз пойтахт марказидаги Халқлар дўстлиги шоҳ кўчасида жойлашган. Шу боис ҳудудимиз маҳалла билан номдош муҳташам саройда концерт дастурларини томоша қилиб, ҳордиқ чиқариш ёки халқимиз бағрикенглигининг нишонаси бўлган Шомаҳмудовлар оиласи шарафига қўйилган монументни зиёрат қилиш мақсадида узоқ-яқиндан келган юртдошларимиз, хорижлик меҳмонлар билан доимо гавжум бўлади.

"АБУ-САХИЙ" саховати

Бу, албатта, маҳалладошларимиздан ўз масканларининг сарифталигини сақлаш, ободончилигига эътибор қаратишни талаб этади. "Абу-Сахий" фирмаси раҳбари Комилжон Рўзиев ташаббуси билан маҳалла идорасининг тубдан қайта таъмирланиб, замонавий қиёфага келтирилганини бу борада амалга оширилаётган ишлардан бири дейиш мумкин. Фирма ҳомийлиги туфайли маҳалла идораси компьютер, нусха кўчириш аппарати, телевизор, факс, стол-стул каби зарур техник воситалар билан таъминланди, ходимларнинг қулай ва тезкор иш юритиши учун имконият яратилди.

Ҳудудда осойишталикни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида фаолларимизнинг профилактика нозири Баҳодир Пайзиев билан ҳамжиҳатликда иш юритаётганлиги яхши самара бермоқда. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришда эса 29-оилавий поликлиника шифокорларининг ёрдамига таянамиз.

Шунингдек, маҳалламизда истиқомат қилаётган фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари иштирокида давра суҳбатлар ўтказилмоқда.

Нўъмонжон МЕЙЛИКОВ,
Чилонзор туманидаги Халқлар дўстлиги маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Бухоро вилояти

ОХШИХда ОЛҚИШГА ЛОЙИҚ ИШЛАР КЎП

Жондор туманидаги Охших қишлоқ фуқаролар йиғини 7 та маҳалладан таркиб топган. Ҳудудда фаолият юритаётган бир қатор таълим-тарбия, спорт, тиббиёт, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш масканлари, тадбиркорлар ҳамда фермер хўжаликларининг амалий ёрдами билан маҳалладаги муаммолар ўз ечимини топмоқда.

СУРАТДА: *йиғин ҳудудида фаолият кўрсатаётган гилам тўқиш цехининг илғор тўқувчиси Ҳафиза Қурбонова*

— Ўтган 2007 йилда 14 та эҳтиёжманд оилага бир бошдан қорамол ҳадя қилинди. Маҳаллий тадбиркор ва фермерларни жалб қилган ҳолда 31 та кам таъминланган оилага 22 миллион 200 минг сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатилди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Собир Самадов. — 2 нафар ногирон фуқарога махсус аравачалар олиб берилди. Шунингдек, болалар спорт мажмуаси, қишлоқ ҳакимлик маскани ва ўндан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида 110 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Амалга оширилган бу хайрли тадбирлар самараси ўлароқ аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эришилмоқда.

Тадбиркор Абдумалик Саидов ташкил қилган гилам тўқиш цехи фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозирда бу ерда ўрта ва кичик ҳажмдаги совғабоп гиламлар ишлаб чиқарилмоқда. Цехда 15 нафар қизжувон меҳнат қиляпти. Тадбиркор келгусида бу ерда адрас ва атлас каби миллий матоларни тўқиб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш ниятида.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

АВВАЛ КЎРИК, КЕЙИН НИКОҲ

Ургутда никоҳдан ўтувчи ёшлар ушбу тартибга қатъий амал қиладилар

Ургут туманидаги қишлоқларнинг фуқаролари қонуний никоҳни расмийлаштириш ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олиш учун узоқ йўл босиб, туман марказига боришарди. Ўз-ўзидан аёнки, бу анча вақт ва харажат талаб этади. Айниқса, турмуш қуриш учун ариза берган ёшлар турли сабабларга кўра узоқ пайт овора бўлишларига, туман марказига қайта-қайта қатнашларига тўғри келарди.

Шу боисдан айрим ёшлар никоҳни қонуний расмийлаштирмай туриб шаръий никоҳдан ўтиб кўя қолишар эди. Оилада фарзанд дунёга келгач эса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш ёки болага нафақа тайинлашда қатор муаммолар пайдо бўлар эди.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш, фуқароларга ўз вақтида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муҳтарама Сувонова ҳамда қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари ўзаро кенгашиб, муаммони ҳал этишга жиддий киришишди. Эндиликда оила қуриш истагида бўлган ёшлар ҳафтанинг қатъий белгиланган кунларида тиббий кўрикдан ўтказилади. Имом-хатиблар эса кўрикдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотнома ва ФҲДЁ бўлими томонидан берилган никоҳ қоғози асосида шаърий никоҳ ўқийди.

Илгари туман ФҲДЁ бўлими кўримсиз ва ишлаш учун қулайликларга эга бўлмаган бинода жойлашган эди. Бўлимга Насиба Яхшиликова мудир этиб тайинлангач, аҳвол тубдан ўзгарди, бино таъмирдан чиқарилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Дастлаб кўпчилик унинг ёш эканлигини назарда тутиб, ишни уддалаб кетишига ишонқирамай қарашган эди. Лекин вақт — олий ҳакам, деб бежиз айтишмаган экан. Тез орада ширинсўз ва ғайратли Насибахон ўз касбининг устаси эканини исботлаб, инсонлар кўнглига йўл топа олди.

ФҲДЁ бўлими жамоаси ҳам асосан ёш ходимлардан иборат. Моҳира Умрзоқова, Зилола Тулаева каби қизлар иш юзасидан борган ҳар бир кишига ўз вақтида ёрдам беришга интиладилар.

— Президентимиз томонидан 2008 йил — Ёшлар йили деб эълон қилингани барчамизни қувонтирди. Табиийки, ушбу йилда ёшлар комолотига, уларнинг фаровон келажагини таъминлашга бўлган эътибор янада ортади. Шу жумладан, бўлимимиз жамоаси ҳам Ёшлар йилида фаолиятимизни янада яхшилашга, никоҳдан ўтувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз, — дейди Насиба Яхшиликова.

Узоқ ОМОНОВ

Олам турфа

ДАРАХТ БАЛАНДЛИГИНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?!

КАЛИФОРНИЯда ўсувчи гигант секвойя дунёдаги энг баланд дарахт ҳисобланади. Аммо унинг ҳам юқори нуқтаси мавжуд экан. Америка ботаниклари ҳеч қайси дарахт 130 метрдан ортиқ ўса олмайди, деган хулосага келишди. Сабаби оддий: тупроқдаги намликни сўриб олиб, учидаги япроқларга етказиш учун дарахтнинг кучи етмайди. Маълумки, баланд дарахтларнинг учидаги шохларига доимо намлик етишмайди ва яхши ўса олмайди. Ахир, эътибор берган бўлсангиз, дарахт тепасидаги барглар бошқаларига нисбатан анча майдароқ-ку.

ЧЕКИШМИ Ё ЧЕКМАСЛИК?

ОЁҚ-КЎЛ суякларининг синиши чекувчиларда тамаки чекмайдиган одамлардагига нисбатан секинроқ тузалади.

Рочестр университетининг ортопед шифокори доктор Майкл Зусикнинг фикрича, жароҳат юз берганда ҳатто бир-икки ҳафтага бўлса-да чекишдан воз кечилса, синган жойнинг битиши тезлашади.

Суякларнинг мустаҳкамлигига тамаки салбий таъсир кўрсатишини умуртқа погонасида жарроҳлик амалиётини ўтказувчи шифокорлар яхши билишади. Улар токи бемор зарарли одатини ташламагунича муолажани бошламайди. Доктор Зусик таълимотига кўра, никотин илик таркибида бўладиган, синиқларнинг битишида катта рол ўйновчи ҳужайраларни ўлдирар экан.

Фаолиятдаги фаоллик

Андижон вилояти

Қадриятларимиз қадр топмоқда

Миллий меросимизни тиклаш ва сақлаш, ёшларни уларга ҳурмат руҳида тарбиялаш орқали келажак авлодни баркамол инсонлар сифатида вояга етказиш бугуннинг муҳим вазифаларидан. Бу борада халқаро "Олтин мерос" жамғармаси вилоят бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

Ўтган 2007 йил давомида жамғарманинг вилоят бўлими томонидан миллий қадриятларимиз тарихи ва уларнинг ёшлар ҳаётидаги ўрнига доир мавзуларда семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Жумладан, Жалақудуқ туманида "Миллий мерос, миллий қадриятлар — барчамизники" мавзусида илмий-амалий семинар, шу тадбир доирасида Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғинида "Миллий меросимизда иқтисодиётнинг тутган ўрни", "Ёшлар тарбиясида миллий меросимизнинг аҳамияти" мавзуларида давра суҳбатлари ташкил қилинди.

Глобаллашув шароитида миллий меросимизни асраш, уларни асл ҳолида келажак авлодларга етказиш борасида бугунги ёшларнинг ўрни хусусидаги фикрлар иштирокчилар ўртасида қизғин муҳокама этилди.

Бундан ташқари жамғарма низомига мувофиқ қадимий қўлёзмалар ва осори-атиқаларни тўплаш ҳамда уларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2007 йилда аҳолидан 30 га яқин қўлёзма ва тошбосма асарлар сотиб олинди. 1804 йилда босилган "Юсуф ва Зулайҳо", 1890 йилда чоп этилган "Девони Ҳофиз", 1877 йилда чоп этилган "Наводирул Меъроҳ" асарлари шулар жумласидан.

— Фарғона водийси, хусусан Андижон ўзининг ҳунармандчилик маҳсулотлари билан қадимдан машҳур,— дейди жамғарманинг вилоят бўлими раиси Ғуломжон Абдуллаев. — Биз ана шу бой миллий-маънавий меросни келгуси авлодларга етказиш мақсадида 11-14 ёшли болалар ўртасида "Ҳунарли киши хор бўлмас" шиори асосида кўп босқичли фестивал ўтказдик. Бу тадбир якунларига кўра ҳунар эгаллашга иштиёқи баланд йигит-қизлар вилоятимизнинг моҳир уста ва чеварларига уста-шогирдлик анъанаси асосида бириктирилди.

Яқинда эса жамғарма ташаббуси билан Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, ўз замонасининг етук шахслари ҳақида ҳикоя қилувчи "Кўҳна Андижон улуғлари" китоби чоп этилиши ҳам режалаштирилган.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Аждодлар мероси

ТАЛҚИН ЭТИЛГАН ТАРИХ

Ўтмишимизнинг талқин ва таҳлили буюк тарихчи, аллома Хондамир асарларида акс этган

Тарих илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган алломалардан бири Хондамирдир. У мозий воқеа-ҳодисаларини абадиятга муҳрлаш билан бирга, уларнинг юзага келиш сабабларини ҳам чуқур таҳлил ва талқин этган, қимматли хулосалар чиқарган.

Хондамир 1475 йил Ҳиротда таваллуд топган. Отаси Ҳумомиддин Муҳаммад ўқимишли кишилардан бўлиб, Султон Маҳмуд мирзонинг вазири эди. Онаси эса машҳур муаррих Мирхонднинг қизи бўлган. Ёшлигидан илму фанга қизиққан Хондамир ўз даврининг етук олими бўлиб етишди. Бунда ўзининг ақлий салоҳиятидан ташқари, бобоси Мирхонд ҳамда Алишер Навоийнинг ҳиссаси катта бўлди. Хондамир ўткир зеҳни ва лаёқати билан Навоийдек зотнинг эътиборига тушди, шу сабабли шоир шахсий кутубхонасининг калитини унга ишониб топширди. Хондамир янги асар ёзиш олдидан устозининг фикри билан қизиқар ва маслаҳатини олар эди. Устозига беҳад меҳр қўйиб, ҳар ишда суяниб қолган олим унинг вафотидан сўнг Ҳиротда қололмади, Балхга — Бадиуззамон мирзо ҳузурига кетди.

Хондамир асарларида тилга олган тарихий ҳодисаларнинг бевосита шоҳиди бўлгани учун ҳам бу маълумотлар аниқ ва катта илмий қимматга эга. У Шайбонийхон ва шоҳ Исмоил Сафавий бошчилигидаги қизилбошлар Хуросонни эгаллаганда пойтахтда эди. Бироқ у ҳар икки ҳукмдорга ҳам хизмат қилишни истамади. Темурийларга хайрихоҳлиги беҳад кучли бўлган олим "Ҳабиб ус-сияр" асарида бу ҳукмдорларга нисбатан салбий муносабатини яшириб ўтирмайди.

Хондамир она юртидаги нотинчликлар туфайли кўп йиллар ўзга мамлакатларда яшашга мажбур бўлди. Сўнг илм-фан аҳлига мурувват ва эҳтиром кўрсатаётган Бобур мирзо қошига кетишга қарор қилди. 1528 йил 18 сентябрда шоир Шаҳоб Муаммоий ва "Султония" мадрасасининг мударриси Иброҳим Машҳадий билан биргаликда Ҳиндистонга борди. Бобур вафотидан сўнг Ҳумоюн мирзо хизматида бўлиб, унинг энг яқин кишилари қаторидан жой олди. Хондамир 1535 йилда вафот этди. У Деҳлидаги хожа Низомиддин Авлиё мозорига дафн этилган.

Хондамир умри мобайнида ўнга яқин асар яратган. "Хулосат ул-ахбор" асари 1498-99 йилларда Алишер Навоий илтимосига кўра ёзилган бўлиб, унда XV аср ҳаёти кенг ва батафсил ёритилган. "Дастур ал-вузаро" асари темурийлар сулоласининг инқирозига қадар шарқда яшаб ўтган вазирларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот беради. Асарда Маҳмуд Ялавоч ва унинг ўғли Маъсудбек ҳақидаги бошқа ҳеч бир тарихий манбаларда учрамайдиган қизиқарли маълумотлар келтирилган.

"Ҳабиб ус-сияр" Хондамирнинг энг йирик ва қимматли асаридир. Асар 1515-1523 йилларда яратилган бўлса-да, кейинроқ муаллиф Ҳиндистонда яшаган даврида яна икки марта таҳрир қилган. Асар қадим замонлардан XVI асрнинг 30-йилларига қадар Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Ўрта Осиёда содир бўлган воқеалар тафсилотига бағишланган бўлиб, муқаддима, уч боб ва хотимадан иборат.

"Ҳабиб ус-сияр"нинг муқаддимаси мумтоз тарихий ва бадиий асарлар яратиш анъанасига кўра оламнинг яратилиши, хотимаси эса дунё ажойиботлари таърифу тавсифига бағишланган. Биринчи бобда ислом динидан аввалги, яъни жоҳилият даври воқеалари, араб халифалиги ташкил топгунга қадар бўлган ижтимоий-сиёсий вазият, Муҳаммад пайғамбар ва халифалар Абубакр, Умар, Усмон ва Али замонида рўй берган воқеа-ҳодисалар баён этилади. Иккинчи боб араб халифалиги, тоҳирийлар, саффорийлар ва сомонийлар ҳукмронлиги даври воқеаларига бағишланган. Учинчи бобда Чингизхон ва унинг авлодлари, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида рўй берган воқеалар баён этилади. Шунингдек, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг Шайбонийхон томонидан босиб олиниши, шоҳ Исмоил Сафавий ҳукмронлиги даврида Яқин Шарқ ва Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол кенг таҳлил қилинади. "Ҳабиб ус-сияр"нинг қимматли томони шундаки, муаллиф унда йирик тарихий ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини синчковлик билан таҳлил этади ва холис ёритиб беради. Айниқса, темурийлар салтанатини инқирозга олиб келган омилларни ўта билимдонлик билан изоҳлайди.

1501 йилда ёзилган "Макорим ул-ахлоқ" ("Олижаноб сифатлар ҳақида китоб") Алишер Навоийга бағишланган. Асарнинг ягона нусхаси Британия музейида сақланмоқда. 1939 йил Навоийнинг 500 йиллик юбилейи арафасида асарнинг микрофильми олиниб, ана шу микрофильм асосида шарқшунос олим Ибодулло Одилов асарнинг янги нусхасини яратди.

"Макорим ул-ахлоқ"да сўз мулки султонининг юксак инсоний фазилатлари, ахлоқий сифатлари, миллат, дин ва мамлакат ҳаётида тутган беқиёс ўрни ҳақида гап боради. Шунингдек, Навоийнинг илм-фан, санъат ва маданият ривожига қўшган улкан ҳиссаси, илму фозилларга кўрсатган эътибори эҳтиром билан тилга олинади. Хондамир асарда шоир билан боғлиқ кўплаб хотираларни ҳам келтирадики, бу китобхон кўз ўнгида Навоий сиймосини ёрқин гавдалантиришга, таассуротини бойитишга хизмат қилади. 1501 йилда Султон Ҳусайн Астрободда ўғли Муҳаммад Ҳусайннинг исёнини бостириш билан овора эди. Султон харажатлар учун зарур бўлган маблағни Ҳирот ва унинг атрофидаги туманлардан йиғишни буюради. Бу шусиз ҳам ночор турмуш кечираётган халққа оғирлик қилишини билган Навоий "сари шумо", яъни "жон солиғи" сифатида ундирилиши мўлжалланган 50 минг динор кепакийни ўзининг хусусий жамғармасидан тўлайди.

Хондамирнинг "Номайи номий" ("Атоқли номалар") асари илмий жамоатчилик томонидан етарлича ўрганилмаган. Мазкур асарнинг қачон ва қаерда ёзилгани ҳам номаълум. Асарда машҳур кишилар, илм аҳли ҳақида, турли табақага оид кишиларнинг мактублари, подшо ва хонларнинг фармон ва ёрлиқларидан намуналар, ёзма ва фармонларнинг битиш тартиблари тўғрисида маълумот берилган.

Хондамирнинг илмий мероси тарихимизни ўрганишда бебаҳо манба сифатида қадрлидир.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Эҳтиёткорлик — шарт!

БЕТОН ХАВФСИЗЛИККА ТЎСИҚ БЎЛАДИ

Одатда, ёнғинлар эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида содир бўлади. Бундай ҳолларда талофат кўрувчи ҳам, жабрланувчи ҳам аввало инсон эканлиги барчамизни ташвишга солади, албатта.

Бугун айрим маҳаллалар ҳудудида ноқонуний тарзда қурилган уйлар, баъзи кўчаларга ўрнатилган бетон тўсиқлар фавқулодда вазиятлар чоғида ёнғин ўчириш автоуловларининг воқеа жойига етиб боришига тўсқинлик қилади. Қолаверса, кўп қаватли уйлар ёнига ўрнатилган темир тўсиқлар, буталмаган дарахт шохлари ҳам ёнғинни ўчириш чоғида соҳамиз вакилларига қийинчилик туғдириши мумкин. Шу сабабдан маҳаллаларда ўтказилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари, аҳоли билан учрашувлар чоғида фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш билан бирга, ёнғинни ўчиришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ҳам бартараф этилди.

Фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишига эришиш, юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш борасида Ёнғин хавфсизлиги бўлими 12-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги отряди (ҲЁХО) ходимлари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилган. Жумладан, ёнғин билан боғлиқ ноҳуш вазиятлар юз бермаслиги учун жойларда тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш талаб этилади. Табиийки, бунда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ёрдамидан фойдаланиш самара беради. Зеро, ҳудуддаги хонадонлар жойлашувини биладиган ҳам, аҳолини яхши танийдиган ҳам маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчи ва посбонларидир.

Х.ПОЗИЛОВ,
Тошкент шаҳридаги 12-ҲЁХО 1-ҲЁХ алоҳида пост катта инспектори, капитан.

Мисраларда ҳандалар

САБОҚ

— Чекманг! — тилда шу сўзи,
— Ўрлатманг, — дейди, — тутун!
Насиҳат зўр. Лек ўзи
Бир «пачка» чекар ҳар кун.

ГУЛ "ШАЙДОСИ"

Қизларининг исми Ойгул,
Наргис, Раъно, Гулбаҳор.
Лек уйида табиий тугул
На бир дона сунъий гул бор.

РУХСАТИ ЙИГИТ-ҚИЗДА

— Аввал йигит айтсин-да ўзи,
Ахир эмасмиз-ку оддий овчилар.
"Ўша қиз" деб қизаргач юзи
Йўлга чиқди шаддод совчилар.

"ГАМХЎР" УКА

Ога, сизга аталган
Олмаларни еб, тўйдим.
Хафа бўлманг, деб мана
Суратин чизиб қўйдим.

"СОҒИНЧЛИ САЛОМХАТ"

Она, ушбу «Саломхат»
Ўғлингиз Оллоқулидан.
Беш-ўн сўм юборарсиз
Пенсиянгиз пулидан...

СОЯ

Ишга келар эрталаб,
Шомда қайтар, қўнгил тўқ.
Қўриқлар кабинетин
Қоровулдан фарқи йўқ.

Абдулла САФОЕВ

Инсон қўлигул

Металлдан яралган мўъжиза

юртимиз ҳунармандларининг маҳоратидан далолат беради

Юртимизда ҳунармандчилик жуда қадимдан ривожланган. Маҳаллий усталар тери, жун, ёғоч, металл, пахта ва ипакдан турли хил буюмлар, кийим-кечаклар тайёрлаганлар. Араб сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий (XII-XIII асрлар) шундай ёзади: "Хоразмнинг деярли ҳамма шаҳарларида турли моллар ва маҳсулотларга, дўкон-расталарга бой бозорлар бор, бозори бўлмаган қишлоқ камдан камдир". Ҳунармандчилик буюмлари карвон орқали Россия, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Шарқий Туркистон (Қашқар) ва бошқа мамлакатларга ҳам чиқарилган. Иш қуроллари-нинг оддийлигига қарамай ҳунармандлар юксак санъат асари даражасидаги буюмларни ясашган.

Асосий хом ашёси металл бўлган ҳунармандчилик темирчилик, мисгарлик, заргарлик, тунукасозлик сингари соҳаларга бўлинган. Булардан энг қадимийси темирчилик бўлиб, юртимизда асосан қозон, омоч тиши, чойдиш, обдаста, шамдон, манқалдон, қора чироқ, арава ғилдирагига халқа, жувоз бошмоғи каби буюм ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилган. Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Қарши, Хива сингари йирик шаҳарларда эса дегрезлик маҳаллалари бўлиб, дегрезлар томонидан кетмон, турли хил белкураклар, болта, теша, ўроқ, болға, пичоқ, қулф каби 20 хилга яқин иш қуроллари ва рўзғор буюмлари тайёрланган.

Мисгарлар лаган, товоқ, баркаш, лаъли, кўза, хумча, қумғон, сатил, офтоба, обдаста, кашкул ва бошқа буюмларни ясашган. Улар асосан сариқ ва қизил мисдан фойдаланишган, хом ашё эса Россиядан келтирилган. Буюмлар жимжимадор, нафис гул ва нақшлар солиб ишланган. Айниқса, бухоролик мисгарлар томонидан ишланган нақш ва суратлар орнаментал мотивларга бойлиги билан ажралиб турган. Меъморчилик ёдгорликлари тасвирланган мис лаганларни ҳозирги кунда амалий санъат музейлари экспозициясида учратиш мумкин.

XVIII-XIX асрларда бадиий зарб санъати, яъни кандакорлик соҳасида ўз йўналиши ва услубига эга бўлган мактаблар вужудга келди. Турли мактабга мансуб кандакорлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар техник жиҳатдан бир-биридан ажралиб турган.

Фарғона водийсининг йирик шаҳарларида моҳир металлсоз усталар томонидан ясалган юқори сифатли қуролларнинг довруғи етти иқлимга кетган. Уста Мулла Сиддиқ Отауллаев ва унинг авлодлари мисгарлик билан шуғулланиб, машҳур бўлишган. Тошкентлик Ж.Саидова, Р.Сопов, М.Маърифхонов, М.Отауллаев, Абдуқодир кандакор сингари усталар ҳам сифатли мис идишлар ва безаклар тайёрлаган.

1909 йилда тадқиқотчи И.Гейер: "Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миллий ҳунармандчилик буюмларига бўлган талабни камайтира олмади. Чунки маҳаллий мис чойнаклар, мис чойдишлар, офтоба ва бошқа буюмлар фабрикада ишлаб чиқарилган буюмларни рақобатда ютиб чиқди", деб ёзган эди.

Тарихий маълумотларга кўра, XIX асрнинг ўрталарида Бухорода мингдан зиёд ҳунарманд фаолият кўрсатган. Уста Салоҳиддин, уста Муҳаммад Ҳасан, уста Ҳамид, уста Ғулом, уста Абдисаломлар ўз даврининг моҳир кандакорлари эди. Улар томонидан ясалган буюмлар халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, бир неча маротаба мукофотланган. Қарши ва Шаҳрисабз ҳунармандларининг ижод намуналари, безак услублари бир-бирига ўхшаш бўлган. Қаршилик Низомиддин, уста Саъдий, шаҳрисабзлик уста Маҳмуд, уста Олим, самарқандлик уста Тоғай, уста Қурбон, уста Зокир, уста Жалил ва уста Зариф машҳур мисгарлар эди.

XIX аср охири XX аср бошларида Хоразмда турли-туман мис буюмлар ишлаб чиқарилган. Хивада қумъон деб аталувчи дастасиз сув идишлар тайёрланган. Хивалик Ё.Бекжонов, Х. Сандниёзов, С.Худойберганов, уста Ҳамид ва Матёқуб Жонибеков, Отажон Мадраҳимов кабилар мисгарлик ва кандакорлик ҳунари ривожига ўз ҳиссасини қўшган.

Юртимиз заргарлари асосан кумуш, айрим ҳолларда тилла тақинчоқлар ясаб, уларни ёқут, зумрад каби қимматбаҳо тошлар, дур, фируза, ҳақиқ, лаъл, яшм, маржон каби жилосиз, лекин очиқ ва тўқ рангли тошлар билан безатишган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса безак сифатида ранг-баранг ялтироқ шишалар, маржон ва мунчоқлар ҳам истеъмолга кириб келган.

СУРАТДА: *хоразмлик мисгар Зарип РАҲИМОВ.*

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЬБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳафта аввалида келгуси ишлар ҳақида жиддий ўйлаб олинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида яхши таниш бўлмаган инсонлар билан муомала қилмаганингиз маъқул.

СИГИР(22.04-20.05)
Ҳафта мобайнида одатдагидан кўра кўпроқ сарф-харажат қилишингизга тўғри келиши мумкин. Айниқса, кредитга буюм олиш ва бировга қарз беришдан сақланинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ушбу ҳафтада кучғайратингиз ошиб, ишда янада фаоллашасиз. Дам олиш кунларида оила аъзоларингиз билан муносабатда муросалироқ бўлишга ҳаракат қилинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Айни кунларда соғлиғингизга эътиборлироқ бўлинг. Бундан ташқари, ҳафта давомида ўзингизни ёлғиз ҳис қилишингиз мумкин. Бу ҳолатда энг яхши чора узоқ сафарга чиқишдир.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ҳафта давомида кўп вақтингизни дўстлар даврасида ўтказиб, турмуш ўртоғингизни ёлғизлатиб қўйманг. Шанба куни моддий жиҳатдан бироз қийналиб қолишингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Атрофингиздагиларни байрам кайфияти ҳали ҳам тарк этмаганига қарамай, сизда кўпроқ ишлаш истаги юзага келади. Ҳафтанинг иккинчи ярми хурсандчиликларга бой бўлади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Мазкур ҳафтани хушкайфиятда ўтказасиз. Спорт соҳасида ҳамда шахсий муносабатларда ижобий натижага эришишингиз мумкин. Бироқ шу кунларда саёҳатга чиқишни режалаштирманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Айни кунларда молиявий аҳволингизни тиклаш учун қулай имконият юзага келиши кутилмоқда. Бу эҳтимол, сизга таклиф қилинадиган янги иш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ушбу ҳафтада муҳим ишларни амалга оширишни режалаштирмаганингиз маъқул. Сабаби, уларни рўёбга чиқаришда муаммоларга дуч келишингиз мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Мазкур бурж вакиллари айни кунларда ижодий ишларда улкан муваффақиятга эришишлари мумкин. Уларда ўзига хос асарларни яратиш иштиёқи пайдо бўлади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ҳафтанинг биринчи ярмида ҳамкорлик юзасидан янги шартномалар имзолашга киришасиз. Пайшанба куни меҳнатингиз муносиб рағбатлантирилиши мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Янги йил кириб келиши билан сиз ҳам янги ишларни бошлаб юборасиз. Бу борада сизга ишонган дўстларингиз яхши ҳамкор бўла олади. Шанба куни камҳаржроқ бўлганингиз маъқул.

Тошкент вилояти

КИЧКИНТОЙЛАР ДАВРАСИда – "ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ"

Айни кунларда юртимизнинг барча гўшаларида Янги йил байрами шукуҳи кезиб юрибди. Жумладан, болажонлар катта иштиёқ ва интизорлик билан кутадиган анъанавий байрам тадбирларидан бири — "Президент арчаси" тантаналари жойларда кенг нишонланмоқда.

Бағрикенг ва болажон халқимиз турли байрамларда яқинларини йўқлашни, кўнгли ўксикларнинг ҳолидан хабар олишни канда қилмайди. Шу боис Янги йил байрамига бағишланган кечалар "Меҳрибонлик" ва "Мурувват" уйларида ҳам катта хурсандчилик билан нишонланди. Хусусан, Янгийўл шаҳридаги Кичкинтойлар "Меҳрибонлик уйи"да ҳам "Президент арчаси" тадбири бўлиб ўтди.

Арча байрамига болажонларнинг севимли эртак қаҳрамонлари, Қорбобо ва Қорқиз ҳам ташриф буюриб, кичкинтойларнинг севинчига севинч қўшди. Тадбирда болажонларга байрам совғалари топширилди.

СУРАТДА: *тадбирдан лавҳа.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Мўъжизакор дунё

ЭНГ ЁШ САЙЁРА

МАКС Планк институти ходимлари энг ёш сайёрани кашф этишди.



Мазкур сайёра ёш жиҳатдан Қуёшдан қарийб 500 марта кичик бўлган, яъни 8-10 миллион ёшли TW Hydrae юлдузи орбитасида шаклланган. Шу боис олимлар сайёрани TW Hydrae b деб номлашди.

Бу кашфиётнинг эътиборли жиҳати шундаки, ҳозирга қадар олимлар томонидан юз миллион йилдан кам вақт давомида шаклланган сайёра, яъни бундай ёш сайёра аниқланмаган эди. TW Hydrae bни бошқа сайёралар билан солиштириш учун Ернинг ёши 4,5 миллиард йилга тенг эканлигини эслаш кифоя.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, анча кейин шаклланган бўлишига қарамай, мазкур сайёра гигант сайёралар туркумига киради. Сабаби, унинг вазни Қуёш тизимидаги энг катта сайёра бўлмиш Юпитерникидан 10 карра оғир. Янги сайёра TW Hydrae юлдузидан 6 миллион километр узоқликда жойлашган бўлиб, унинг атрофида бир марта айланиши учун уч ярим кун вақт керак бўлади.

БОЛАКАЙНИНГ ТЎРИГА ИЛИНГАН НАҲАНГ

АҚШлик Айдан Мюррей Мэдли исмли ўн икки ёшли болакай вазни чорак тоннага тенг келадиган, яъни 249,9 килограммли акулани тутиб, Флорида штатида янги рекорд ўрнатди, дея хабар беради Associated Press ахборот агентлиги.

Айдан деярли ярим кун мобайнида Палм Бич кўрфазининг шимолий қисмида балиқчилик билан машғул бўлиб, ниҳоят бу баҳайбат наҳангни тўрига илинтирди. Маълумотларга қараганда, таътил пайтида болакай бу ерга ота-онаси билан бирга дам олишга келган. Шу боис бундай оғирликдаги акулани сувдан чиқаришда Айдан уларнинг кўмагига таянган, дея тахмин қилинмоқда.

Флорида штатида акула тутиш бўйича аввалги рекорд 1981 йилда қайд этилган эди. Ўшанда балиқчиларнинг тўрига илинган наҳангнинг вазни 234 килограммга тенг бўлган.

Сабоқ

Наманган вилояти

Чорраҳадаги ҚИЗАЛОҚ

у бизнинг орамизда, маҳалламизда яшаяпти...

— Опа, қўшнимиз Сурайё синфдошининг китобини ўғирлаб олганмиш.

Сурайёни яхши биламан, шунинг учун дабдурустдан айтилган бу гапга ончалик ишонмадим. Бу янгиликдан хафа бўлишимни кутмаган жияним айб иш қилиб қўйгандай сўзлашга тушди:

— Тунов куни китоб обормасам, ўқитувчимиз уришяпти, тезроқ дадам кела қолсайди, деганди. Дадаси келмаганига ноилож олгандир-да. Бечора, ўртоқларидан гоҳ ручка, гоҳ қалам сўраб юради.

Сурайёнинг бир гал кўчадан ўртоғининг ўйинчоғини кўтариб келган укасига тенбеҳ бериб, дарҳол эгасига қайтаришга мажбур қилганини ўз кўзим билан кўрганман. Наҳотки мен билган ўша қизча бировнинг китобини ўғирлаган бўлса?!

Сурайё эндигина ўн уч ёшга тўлди. Аммо ёш боши билан икки нафар укасининг "кийимимни ювиб бер, дарсимга ёрдамлаш, қорним очиб кетди..." каби хархашаларини кўтаришга мажбур.

Ҳаёт ташвишлари Сурайёни барвақт улғайтириб қўйган. Бирор касб-ҳунарнинг бошини тутмаган отаси ишлаб келиш учун узоқ шаҳарга кетган, онасини эса "эпсизлиги" учун уйига жўнатиб юборишган. Бувиси, амаки ва келинойиси билан қолган қизча укаларининг еб-ичиши, ётиб-туришини назорат қилишга, уларга ғамхўрлик кўрсатишга мажбур.

Сурайё айни болаликнинг ширин онларини сурадиган ёшда, аммо у катталарга эркаланиб, хархаша қилишга ҳақли эканини билмайди. Ҳолбуки, уйни чангитмаслик учун супургини ҳўллаб олиш, феъли тор келинойисига камроқ кўриниш ва жойини ҳўллаб қўйган укасининг кўрпачасини чайиб, албатта кул босиш кераклигини яхши билади.

Ишга кетаётиб Сурайёни учратиб қолдим. Саломлашиш баҳона совуқдан қизариб кетган қўлларини кафтларим орасига олдим. Бармоқларим билан қўлчаларнинг кичкина, аммо дағал ва чайирлигини сезаман. Тўғриси, бу қўлчалар китоб-дафтар, қалам-ручка тутишдан кўра кўпроқ ўчоқ-тандирга ўт ёқиб, супурги ушлашга келишади. Суҳбатимизни адабиёт ўқитувчиси бўлди:

— Сурайё, дарсга кеч қолибсан-ку, қизим.

— Кечирасиз, укаларим билан бироз ушланиб қолдим...

— Бўпти, дарсингга борақол.

Мактаб дарвозаси томон чопқиллаб кетаётган Сурайёнинг дазмол кўрмаган, оҳори тўкилган кийими, таралмаган сочлари, югурганда қийшайиб-қийшайиб кетаётган этикчаларига қараб, раҳмим келди.

— Сурайё ақлли қиз, ўзлаштириши ҳам ёмонмас. Бироқ унга эътибор жудаям зарур, чунки у ҳаётининг энг қалтис палласида турибди, — деди ўқитувчи менинг кўнглимдан кечаётган гапларни уққандек.

Ҳа, йўлнинг чорраҳа қисми хавфли, лекин манзилга етиш учун уни албатта босиб ўтиш керак. Бугун Сурайё ҳаёт чорраҳасида турибди. Уни тўғри йўлга йўллаш эса бизнинг вазифамиз. Ахир у шундоққина ёнимизда, маҳалламизда яшаяпти...

Маҳмуда ҚОДИРОВА

Ҳаёт ҳақиқати

Нима учундир китоб-дафтарларни ўғил болалардан кўра қизлар кўпроқ эъзозлашади!

Яхши фикрнинг ўғриси ва яхши сўзнинг гадосиман.

Йўлим тўғри эканлигини билсам, мени бу йўлдан ҳеч ким қайтара олмайди.

Ҳақиқат йўлидаги икки дўстга Аллоҳ учинчи дўст.

Менинг энг севили қаҳрамоним "Отелло", лекин ҳечам Отелло бўлишни истамас эдим.

Бутун оламнинг яхшилигию ёмонлиги кичкина бир қалбга жо бўлганига ҳайрон бўласан киши.

Яхши одамга эргашган, интилган одам яхшиликка эргашган, интилган бўлади.

Маррангни каттароқ олавер, бу дунё беш кунлик эмас, анча мўлроқ.

Олимлик бу ҳали донишмандлик эмас.

Ақллиларга итоат қилиш учун ҳам ақл керак.

Ақлини ишлата олмаган ақлли дейилмайди.

Ақлингни кўпайтирмоқчи бўлсанг, уни кўпроқ ишга сол.

Ақл ақлга эргашади, кучга эса бўйсунади.

Ақлингнинг қулоғи доимо юрагингда бўлсин.

Телбалиги учун йиғлаган одам телба эмас.

Мард ҳам ахмоқдан қочади.

Ҳақиқий дўстларим ким эканини аниқлайдиган кундан қўрқаман.

Мансурхон ТОИРОВ

Б.КАЛОНОВ чизган расм.

Утерянные кадастровые документы на помещение (склад), за регистрированное на ООО «INTEGRA-STYLE» С.Рахимовского района г. Ташкента в главном Управлении Земельных ресурсов Государственного Кадастра реестр 9-135/2005г. считать не действительным.

«Ташэкспорттаъминот» МЧЖнинг Устав жамғармаси 433475000 сўмдан 10880000 сўмга камайганини маълум қилади. Мурожаат учун телефон 144-69-57.

ООО "TOSOL-N" Мирабадского района утерянная круглая печать считать не действительным.

ООО "EXCLUSIVE INVEST" Мирзо-Улугбекского района, города Ташкента сообщает о переименовании в ООО "EXCLUSIVE TOUR". Претензии принимаются в течение 1 месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: город Ташкент, Ц-2, дом 21, квартира 34. (Код по ОКПО 22216835).

ООО "AL-OLAMI PRODUKTION" (ИНН-205220857) С.Рахимовского района г.Ташкента — ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Гувоҳнома № 000443-05 от 01.04.2005г. (ОКОНХ-18145. ОПФ-1153. ФС-142. СОАТО-172680. ОКПО-19779434). Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, ул. Қушкургон № 51 "А".

Частное предприятие "TURON PORCELAIN" г. Ташкента Учтепинского района преобразуется на ООО "TURON PORCELAIN" (код по ОКПО 22196498). Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня опубликования объявления. Тел: 168-21-92.

ЧП "CHINOR SERVIS TAOM" расположенное по адресу Хамзинский район ул. Тол-арик дом-36. Зарегистрированное решением Хакимията Хамзинского района от 24.01.07. за № 001290. ИНН 300172317 ликвидируется. (код по ОКПО 21467050) Решение о добровольной ликвидации от 04.01.08. Притензии принимаются в течении 2-х месяцев по тел: 2984510.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан 1992 йилда Азизи Абдул Хамид Абдул Маджид номига берилган DJ № 193118 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ООО "INTEGRA-STULE" доверяет Груниной Виктории Юрьевне паспорт СА № 0544737 выданный Акмаль-Икрамовским ИИБ г. Ташкента 14 августа 1996 года подавать от имени организации публикации и объявления в газете.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2008 йил 9 январь
1-2 (603-604)

19218 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-21 Топширилди — 23.15
1 2 3 4 6